



## МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИК МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАККОМИЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Мукимов Ботир Миразалович -**

Тошкент давлат иқтисодийёт университети  
мустақил тадқиқотчиси (PhD)

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a32](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a32)

**Аннотация.** Мақолада солиқ маъмуриятчилиги методологияси ҳар қандай солиқ тизимининг муҳим жиҳати бўлиб, уни доимий равишда такомиллаштириш солиқларнинг самарали ундирилиши, уларга рияз этилиши ва адолатлилигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада солиқ маъмуриятчилигида дуч келадиган асосий муаммоларни кўриб чиқади ва такомиллаштириш стратегиясини таклиф қилади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича бир қанча стратегиялар таклиф этилади. Солиқ маъмуриятчилигининг такомиллаштирилган методологияси иқтисодий ўсишни ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватловчи адолатли ва самарали солиқ тизimini яратишга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** солиқ маъмуриятчилиги методологияси, солиқ маъмуриятчилиги ер, ер солиғи, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар, ресурс солиқлари, солиқ, бюджет, солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

## ВОПРОСЫ ГАРМОНИЗАЦИИ МЕТОДОЛОГИИ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ В НАШЕЙ СТРАНЕ

**Мукимов Ботир Миразалович -**

Ташкентский государственный экономический университет  
Независимый исследователь (PhD)

**Аннотация.** В статье рассматривается методология налогового администрирования - важный аспект любой налоговой системы, постоянное совершенствование которой важно для обеспечения эффективного сбора, соблюдения и справедливости налогов. В этой статье рассматриваются основные проблемы, с которыми сталкивается налоговое администрирование, и предлагается стратегия их улучшения. Для решения этих проблем предлагается несколько стратегий улучшения налогового администрирования. Усовершенствованная методология налогового администрирования помогает создать справедливую и эффективную налоговую систему, поддерживающую экономический рост и устойчивое развитие.

**Ключевые слова:** методология налогового администрирования, налоговое администрирование земли, земельный налог, недвижимость, местный бюджет, доходы местного бюджета, местные органы власти, местные налоги, налоги на ресурсы, налог, бюджет, налоговая ставка, налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы.

## ISSUES OF HARMONIZATION OF TAX ADMINISTRATION METHODOLOGY IN OUR COUNTRY

**Mukimov Botir Mirabzalovich -**

Tashkent State University of Economics  
Independent researcher (PhD)

**Abstract.** The article discusses the methodology of tax administration - an important aspect of any tax system, the continuous improvement of which is important to ensure effective collection, compliance and fairness of taxes. This article discusses the main problems faced by tax administration and suggests a strategy for improving them. To solve these problems, several strategies for improving tax administration are proposed. The improved methodology of tax administration helps to create a fair and efficient tax system that supports economic growth and sustainable development.

**Keywords:** methodology of tax administration, land tax administration, land tax, real estate, local budget, local budget revenues, local authorities, local taxes, taxes on resources, tax, budget, tax rate, tax report, tax receipts, tax benefits.

**Кириш:** Республикада солиқ маъмурчилиги механизлари самарадорлигини ошириш, солиқ мажбуриятини мустақил равишда бажариш учун қулай шароит яратишни назарда тутувчи солиқ соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Солиқ маъмурияти мамлакат солиқ тизимининг самарали фаолият юритишида муҳим рол ўйнайди. Бу солиқларнинг тўғри йиғилиши, ҳисобланиши ва ижро этилишини таъминлайдиган таянч бўлиб, дав-

лат даромадлари ва иқтисодийётнинг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшади. Бироқ, солиқ маъмурияти ҳам доимий такомиллаштиришни талаб қиладиган қийинчиликлар ва мураккабликларга дуч келади. Ўзбекистон шароитида солиқ маъмуриятчилигининг йиллар давомида такомиллаштирилиб, самарадорлик, ошкоралик ва қонун ҳужжатларига мувофиқликни оширишга қаратилган. Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва уларни ҳал қилишнинг потенциал ечимла-

ри ва стратегияларини ўрганиш учун замин яратади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ҳозирги даврда солиқ маъмуриятчилиги методологияси устувор йўналишлари сифатида бюджет даромадларини ошириш, солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, солиқларни унификация қилиш қаралади.

Халқаро валюта фонди экспертлари К.Силвани ва К.Баерларнинг бу борадаги илмий қарашлари қуйидагича: “солиқ маъмурчилиги стратегияси – узоқ муддатли солиқ маъмурчилиги операцияларининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар сифатида баҳоланиб, мамлакатда солиқ узилиши (тўланиши керак бўлган ва келиб тушган тушумлар ўртасидаги фарқ) ҳажми ва уни камайтириш учун қўлланиладиган чоралар кескинлиги асосида тайёрланиши керак”[1] дея таъкидлашган.

А.И.Погорлецкий ва М.В.Кешнерларни ёзишича: “Солиқ маъмуриятчилигига рақамлаштириш ва ахборот технологияларни киритиш солиқ органларида иш юкмасини камайтириш, шунингдек солиқ турлари, суғурта бадаллари бўйича қарзларни камайтиришга олиб келиши шарт”[2].

А.А.Спиридонов ва бошқалар қуйидаги таърифни беришган: “Солиқлароптималлаштириш – бу солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини камайтиришга қаратилган мақсадли қонуний ҳаракати бўлиб, солиқ имтиёзлари, солиқдан озод қилиш ва бошқа қонунчиликда белгиланган усул ва қоидалардан фойдаланишни ўз ичига олади [3].

Бассей ва бошқалар фикрига кўра, бутун дунё бўйлаб солиқ тўловчилар тажрибасини ошириш учун солиқ маъмурчилиги турли хил ва мураккаб электрон хизматлар билан юқори даражада рақамлаштирилган. Шунга қарамай, рақамли солиқ тизимининг муваффақияти учун муҳим бўлган омилларни тушуниш жуда муҳимдир [4].

Chowdhury ўз ишида солиқ маъмурчилиги тизимидаги энг долзарб муаммолардан бирини кўтарган. Унинг таъкидлашича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш дунёнинг ҳамма жойида кенг тарқалган муаммо ҳисобланади. Бир томондан, айрим рағбатлантириш механизмлари, иккинчи томондан, назорат механизмлари одамларни рағбатлантириш, шунингдек, уларни мунтазам равишда солиқ тўлашлари учун қандайдир босим яратиш учун зарур эканлиги таъкидланади [5].

Б.Б.Ибрагимов Ўзбекистонда солиқ муносабатлари ва маъмуриятчилиги тарихини ўрганиш кишилик жамияти барча ижтимоий-иқтисодий формацияларида солиқлар, уларни ҳисоб-

лаш ҳамда ундириш тартиблари у ёки бу турда мавжуд бўлганлигидан далолат беради [6].

А. Смитнинг фикрича, солиқ маъмуриятчилигида “тинчлик, меъёрдаги солиқлар ва бошқарувдаги сабр-тоқат асосий омиллар бўлиб, қолган ҳамма нарсаларни табиий жараённинг ўзи бажаради”, деган ғояни илгани суради [7].

**Тадқиқот методологияси.** Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг солиқ маъмуриятчилигининг такомиллаштиришнинг долзарб масалалари таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Республикада солиқ маъмурчилиги механизмлари самарадорлигини ошириш, солиқ мажбуриятини мустақил равишда бажариш учун қулай шароит яратишни назарда тутувчи солиқ соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу ўринда, охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ҳукуматининг республикада ишбилармонлик фаолликни оширишга ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси тасдиқланиши, солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, хизмат кўрсатишнинг янги даражасига ўтиш, солиқ мажбуриятларини қулай, тушунарли ва мураккаб бўлмаган механизмларини яратиш заруратини юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси доирасида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан стратегик ҳаракатлар режаси доирасида қуйидаги йўналишларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- а) хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш;
- б) давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш;
- в) солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш;

г) солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш;

д) давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш замонавий усуллари қўллаш.

Стратегик ҳаракатлар режасининг йўналишлари доирасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди. Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган хизматларини ривожлантириш йўналиши бўйича:

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мустақил равишда рўйхатдан ўтиш ва солиқларни тўлаш, юридик шахснинг улуши бўйича қўйилган тақиқлар ҳақидаги маълумотномаларни олиш, якка тартибдаги тадбиркор мақомини текшириш ва бошқа имкониятлар яратилди;

солиқ солиш мақсадида ер ва кўчмас мулкнинг кадастр ҳисоби ва қийматини баҳолаш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш

чора-тадбирларини амалга ошириш учун кадастр ва солиқ органлари маълумотлар базалари интеграция қилинди;

тадбиркорлик учун тенг шароит ва рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида қўлланиш соҳалари ва фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби такомиллаштирилди;

солиқ тўловчилар аниқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб (тўлиқ маслаҳат бериш, буюртманомалар, ариза ва шикоятлар қабул қилиш), “call-центр” функцияларини кенгайтириш орқали солиқ тўловчиларга хизматлар кўрсатиш тартиби жорий этилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш йўналиши бўйича:

солиқ тўловчиларга реал вақт режимида кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтиришга йўналтирилган рақамли технологиялар жорий қилинди;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг замонавий усуллари, халқаро солиққа тортиш, трансферт нархларни белгилаш ва солиқ маъмурчилигида илғор ахборот технологияларини қўллаш асосида солиқ органларининг ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкил этилди;

солиқ органларига ишга қабул қилишда танлов тизими, шу жумладан, номзодларнинг электрон шаклда мурожаат этиш имконияти жорий этилди;

солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириш, лавозимини ошириш, муко-

фотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизими жорий этилди.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириб бориш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш йўналиши бўйича:

тадбиркорлик субъектларига тенг фискал шароит ва рақобат муҳитини таъминлаш учун қўллаш соҳалари ва фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қайта кўриб чиқилди;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида рўйхатдан ўтиш тартиби ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди;

солиқ тўловчиларга кейинчалик соддалаштирилган “яшил йўлак” тартибида хизмат кўрсатиш мақсадида солиқ таваккалчиликларини баҳолаш ва инсофлилик мезонлари асосида сегментлаш тизими жорий қилинди;

ўзаро боғланган ёки афилланган шахслар ўртасидаги битимлар бўйича трансферт нархлар белгиланиши, шу жумладан улар бўйича мезонлар белгилашни назарда тутувчи солиқ назорати механизми жорий этилди;

солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидаги тафовутларни қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилди ва улар халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мослаштирилмоқда;

айрим турдаги маҳсулотларни маркировка қилишнинг ягона тизими ва солиқ органлари томонидан маҳсулотни ҳисобга олишнинг электрон базаси яратилди;

худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг солиқ имкониятларини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди ва жорий этилди, солиқ тушумларини худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича прогноз қилиш учун индикаторлар ва маълумотлар манбалари шакллантирилди;

иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини камайтириш бўйича “яширин иқтисодиёт” кўламни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари белгиланди, идоралараро ҳамкорлик тизими, кўриладиган чоралар самарадорлигини баҳолаш тизими жорий қилинди, шунингдек, иқтисодий фаолиятни легаллаштиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар амалга оширилди;

солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва хуфиёна фаолият амалга ошириш фактларини аниқлашда ёрдам берган (маълумот тақдим этган) шахсларни моддий рағбатлантириш тартиби белгиланди;

солиқ солиш мақсадида фаолиятни қонунийлаштиришни рағбатлантириш, ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар мезонлари ва тоифаларини аниқлаш бўйича илғор хорижий тажриба асосида таклифлар ишлаб чиқилди;

электрон платформалар, интернет-дўконлар ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга

ошириладиган электрон тижорат фаолиятини қонунийлаштириш ва назорат қилиш механизми жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланди;

Божхона қўмитаси, Марказий банк ва Солиқ қўмитасининг маълумотлар базалари интеграциялаштирилди, “Е-ombor” товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизими жорий этилди ва импорт қилинган товарлар ҳисоботларининг электрон тарзда шаклланишини таъминлаш орқали импорт операцияларини мониторинг қилиш тизими такомиллаштирилди.

Солиқ таваккалчиликларини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг замонавий тизимини яратиш йўналиши бўйича:

солиқ таваккалчиликларини тизимли бошқариш механизми жорий этилди;

солиқ таваккалчиликларини бошқариш, солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш, шунингдек солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланди;

таваккалчиликларни, шу жумладан ҚҚС тўловчиларини таҳлил қилиш ва бошқариш тизими асосида солиқ назоратининг масофавий (узоқдан) усуллари (солиқ тўловчиларни сегментлаш асосида) такомиллаштирилди;

солиқ тўловчилар фаолиятини солиқ назоратини амалга ошириш бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан видеотасвирга олиш тартиби тасдиқланди;

илғор халқаро тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, идентификация карточкалари тизимига (ID карталарига) шахсий идентификация рақами тизимини босқичма-босқич интеграциялаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, солиқ юкини кескин пасайтириш мақсадида товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда олинадиган ажратмалардан воз кечилди, мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилди, ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга ва ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди ва иш ҳақиға солиқ юки қарийб 2 баравар пасайтирилди. Бизнес жараёнларини ахборот ечимларидан фойдаланган ҳолда реинжиниринг қилиш ҳисобига солиқ органлари ходимлари сони 10 фоизга оптималлаштирилди, шу билан бирга ялпи ички маҳсулотда солиқ тушумларини ҳажми 2019-2020 йилларда 17,2 фоизни, 2021 йилда эса 17,4 фоизни ташкил этишга эришилди. Замонавий ахборот хизматларининг ишга туширилиши, “Солиқчи-қўмакчи” тамойилини амалга ошириш доирасида солиқ ҳисоботи шакллари соддалаштирилиши ва уларни автоматлаштирилиши қисқа вақт ичида мажбуриятларни ихтиёрий бажариш даражасини 95 фоизгача етказиш имконини берди. 2023 йилдан қўшил-

ган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача туширилди.

Шу билан бирга, солиқ тизимида солиқ органлари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга, республиканинг тушумларини ўсиш ҳиссасига, ишбилармонлик фаоллигини ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга тўсқинлик қилаётган қуйидаги камчилик ва муаммолар мавжуд:

биринчидан, солиқ мажбуриятларини ихтиёрий ва мустақил бажариш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, солиқ тўловчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда бизнес жараёнларни ўзгартириш, солиқ назорати воситаларини фақат инсофсиз солиқ тўловчиларга нисбатан қўллаш, инсофли солиқ тўловчилар тоифасига ўтиш учун рағбатлантириш ва мотивларни кучайтиришга ёрдам бериш аҳамиятини тўлиқ тушунмаслик;

иккинчидан, солиқ маъмурчилигида ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган ва эскирган усуллариининг айрим шакллари бартараф этилмаганлиги натижасида уларни амалга ошириш учун инсон ресурсларидан ва молиявий маблағлардан оқилона фойдаланмаслик ҳолатлари кузатилиши;

учинчидан, солиқ органларининг солиқ тўловчилар томонидан даромадлар ҳажмини яшириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларидан фойдаланишнинг кенг тарқалган амалиётига қарши курашиш бўйича ишлари тарқоқ ва изчил олиб борилмаётгани солиқ интизомининг пасайишига, яширин иқтисодиёт кўламининг сақланиб қолишига ва инсофли тадбиркорлар учун бизнес юритиш шартларининг ёмонлашишига олиб келиши;

тўртинчидан, қарорлар қабул қилишда “инсон омили”нинг таъсири мавжудлиги, солиқ органлари фаолиятида катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш механизмларининг йўқлиги ҳамда улар асосида автоматлаштирилган қарорлар қабул қилиш солиқ тушумини таъминлаш имконияти ва ҳақиқий даражаси ўртасидаги тафовутни сақлаб қолинишига хизмат қилиши;

бешинчидан, бошқарув ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг замонавий усуллари жорий этиш билан бирга параллел равишда коррупцияга қарши комплаенс-назорат сиёсатини кучайтирмаслик, ходимлар учун, айниқса, туман ва шаҳарларининг таркибий бўғинларида муносиб меҳнат шароитларини яратмаслик амалга ошириладиган ислохотларнинг самарадорлигини камайитиришга хизмат қилади.

Бизнинг фикиримизча солиқ маъмуриятининг солиқ қонунчилигини самарали бошқариш, даромадларни йиғиш ва уларга риоя эти-

лишини таъминлаш учун солиқ органлари томонидан қўлланиладиган турли ёндашувлар, стратегиялар ва усулларни ўз ичига олади. Солиқ органлари солиқ мажбуриятлари бўйича аниқ ва ошкора кўрсатмалар бериш, солиқ шакллари соддалаштириш ва солиқ тўловчиларни ўқитиш ва хабардор қилиш дастурларини амалга ошириш орқали ихтиёрий риоя қилишни рағбатлантиришга қаратилган. Солиқ маъмуриятлари кўпинча ресурсларни юқори хавфли ҳудудларга ёки солиқ тўловчиларга йўналтириш учун хавфга асосланган методологияларни қўллайдилар. Бу потенциал солиқ тўлашдан бўйин товлаш ёки риоя қилмасликни аниқлаш учун маълумотлар таҳлили ва профиллашдан фойдаланиш. Маълумотлар таҳлили ва рақамли платформалар каби замонавий технологияларни қамраб олиш солиқ маъмуриятига самарадорлик, аниқлик ва солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни оширишга ёрдам беради.

Солиқ тўловчиларга қулай ва самарали хизматларни тақдим этиш қонунчиликка риоя қилишни қўллаб-қувватлаш учун жуда муҳимдир. Бунга онлайн ариза бериш ва тўлов тизимлари, электрон алоқа ва мижозларга сезгир ёрдам киради. Солиқ органлари солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш, илғор тажрибаларни алмашиш ва солиқ тўловчилар маълумотларини алмашиш учун кўпинча бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий солиқ органлари билан ҳамкорлик қилади. Шаффоф ва адолатли солиқ маъмурияти методологияси солиқ тўловчилар ва ҳокимият органлари ўртасида ишончни мустаҳкамлайди. Солиқ сиёсати ва қарорлар қабул қилиш жараёнларини аниқ тушунтириш солиқ тўловчининг ишончини ошириш учун зарурдир. Самарали аудит ва мажбурлов чораларини қўллаш қонунбузарликларнинг олдини олиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашни аниқлаш учун зарурдир. Солиқ маъмуриятлари такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш ва самарадорлик ва

самарадорликни ошириш учун ислохотларни амалга ошириш учун ўз жараёнлари, сиёсатлари ва натижаларини доимий равишда баҳолайди. Булар бутун дунё бўйлаб солиқ маъмуриятлари солиқ маъмуриятчилиги методологиясини ишлаб чиқишда эътиборга оладиган асосий йўналишлардир.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қиламиз:**

Солиқ органлари солиқ тартиб-қоидалари ва шакллари соддалаштириш, уларни солиқ тўловчилар учун қулай ва тушунарли қилиш устида иш олиб боришлари керак. Солиқ маъмуриятчилигининг замонавий тизимларини, шу жумладан электрон ариза топшириш платформаларини ва солиқ тўловчиларга онлайн хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга инвестиция қилиш. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетига солиқ органларининг хабарлари (хабарномалари) юборилганлиги тўғрисида унинг шахсий кабинетига рўйхатдан ўтган мобил телефон рақамларига СМС-хабарлар юбориш орқали солиқ тўловчиларни хабардор қилиш механизмини яратиш лозим. Солиқ тўловчига ҳисоб сиёсати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бепул тақдим этишнинг автоматлаштирилган тизимини, шу жумладан солиқ қонунчилигидан фарқ қилувчи асосий ҳолатларни акс эттиришни назарда тутувчи “Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати” электрон платформасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашинуви ҳолати тўғрисида ҳамда ахборот алмашинуви тартибини бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўлланиши бўйича ҳар чоракда маълумот ва таклифларни киритиб бориш лозим бўлади. Мазкур таклифларни ҳаётга татбиқ этиш орқали Ўзбекистон солиқ маъмуриятининг самарадорлиги, шаффофлиги ва адолатлилигини ошириши, натижада солиқ қонунчилигига риоя этилишини ошириш, даромадларни шакллантириш ва умумий иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши мумкин.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Carlos Silvani and Katherine Baer. *Designing a Tax Administration Reform Strategy: Experiences and Guidelines*, IMF – 1997. 36 pages.
2. Погорлецкий, А.И., & Кешнер, М.В. Цифровизация и налогообложение: опыт стран Европейского союза. *Финансы*, (11), 58-64
3. Спиридонов А.А., Спиридонов П.А., Никольская Ю.П. (2010) *Налоги и налогообложение: Учебное пособие* Москва: МГУП.
4. Edidiong Basse, Emer Mulligan, Adegboyega Ojo. *A conceptual framework for digital tax administration - A systematic review*. // *Government Information Quarterly*, Volume 39, Issue 4, October 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0740624X22000909>
5. Dhiman Chowdhury. *Tax Administration, Control & Performance*. // *Advanced Issues in Taxation*, April 2001. <https://www.researchgate.net/publication/350787314>.
6. Ибрагимов Б.Б. Пути совершенствования налогового администрирования в Республике Узбекистан // XI Международной научно-практической конференции. Г.Нурсултан (Казахстан), “Инновационная экономика: глобальные и региональные тренды. 2019.Б. 193-195.
7. А.Смит. «Исследования о природе причинах богатства народов» М. 1935й Т-2 588-589 б.
8. Нормурзаев, У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайтиришда солиқ органларининг аҳамияти. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 1(2), 215–221. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/66>

9. Нормурзаев, У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355–362. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11954](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954)

10. Нормурзаев, У. (2023). Янги Ўзбекистон тараққий стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиш ҳамда яширин иқтисодий улушини қисқартириш йўлари. <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/19032>

11. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. Iqtisodiyot Va ta'lim, 24(1), 334–339. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51)

12. Нормурзаев, У. (2023). Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. Economics and education, 24(1), 334–339.

13. Нормурзаев Умид Холмурзаевич Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодий тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлаш сиёсати // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №4 (136). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imitiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo-lari-amda-so-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-llab-uvvatlash-siyosati>.

14. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в узбекистане. Economics and Education, (6), 82–86. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol\\_iss6/a285](https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285)



## РЕСУРСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Насимджанов Юнусжон Зоҳидович -**  
Тошкент давлат иқтисодий университети  
мустақил изланувчи

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a33](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a33)

**Аннотация.** Мазкур мақолада республикада ресурс солиқларини ҳисоблаш, уларни ундириш ҳамда улар билан боғлиқ солиқ маъмурчиликни ташкил этиш бўйича мавжуд иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимлари билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ресурс солиғи, недра солиғи, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, кўп тармоқли фермер хўжалиги, кластер тизими.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ РЕСУРСОВ

**Насимджанов Юнусжон Зоҳидович -**  
Ташкентский государственный  
экономический университет независимый соискатель

**Аннотация.** в данной статье в нашей республике разработано предложение по расчету налогов на ресурсы, выявлению существующих экономических проблем по их взиманию и связанной с ними организации налогового администрирования, разработке научных и практических рекомендаций, связанных с их решениями, и их совершенствованию.

**Ключевые слова:** налог на ресурсы, налог недра, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка, сельское хозяйство, фермерское хозяйство, многопрофильная ферма, кластерная система.

## ISSUES OF IMPROVING THE THEORETICAL FOUNDATIONS OF RESOURCE TAXATION

**Nasimdzhanov Yunusjon Zahidovich -**  
Tashkent State University of Economics  
independent seeker

**Abstract.** in this article, a proposal has been developed in our republic to calculate taxes on resources, identify existing economic problems in their collection and related organization of tax administration, develop scientific and practical recommendations related to their solutions, and improve them.

**Keywords:** resource tax, subsurface tax, budget, tax administration, tax potential, regulatory analysis, tax report, tax revenues, tax benefits, tax rate, agriculture, farming, multidisciplinary farm, cluster system.

**Кириш.** Республикада маъмурий, иқтисодий, шунингдек, солиқ тизимидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида бугунги кунда республикадаги сув

ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, мавжуд ер участкалари ва мол-